



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20²² yil « 18 » yanvar

№ 28

Toshkent sh.

Йўқолган ашёларни қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли йўқолган ашёларни олиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг:

Ички ишлар вазирлиги тизимидағи “Топилмалар столи” фаолиятини тутатиш ҳамда 2022 йил 1 марта бошлаб туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан йўқолган ва топиб олинган ашёларни қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш бўйича давлат хизмати кўрсатилишини;

йўқолган ашёларни қидириш бўйича мурожаатларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам қабул қилинишини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари томонидан қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансанин:

давлат хизматлари марказлари томонидан қабул қилинадиган, сақланадиган ва эгаларига қайтариладиган ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириладиган йўқолган ашёлар тоифалари;

топилмаларни қабул қилиш, сақлаш, эгаларига қайтариш, шунингдек, эгаси аниқланмаган ашёларни тегишли давлат ташкилотларига топшириш қоидалари;

йўқолган ва топилган ашёлар ҳисобини олиб бориш тартиби;

Топилмалар ва йўқолган ашёларнинг электрон реестрини юритиш, реестрга киритиладиган маълумотларни шакллантириш ва классификациялаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда – Давлат хизматлари агентлиги):

а) 2022 йил 1 марта қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда йўқолган ашёларни қидириш, топилмалар ҳақида маълумот олиш имкониятини назарда тутувчи “Топилмалар” автоматлаштирилган қидирув тизимини (кейинги ўринларда – “Топилмалар” АТ) жорий этсин;

йўқолган ва топиб олинган ашёларни қабул қилиш, саклаш, эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш бўйича давлат хизматини йўлга қўйиш доирасида давлат хизматлари марказларида хавфсизлик талабларига жавоб берадиган маҳсус хоналарни (жойларни) ташкил этсин, шунингдек, барча марказларнинг темир сейфлар, зарур моддий-техника воситалари ҳамда ташкилий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Низомда кўрсатилган хизматларнинг йўлга қўйилишини ҳамда “Топилмалар” АТнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграция қилинишини ташкил этсин;

б) 2023 йил 1 январга қадар Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда “Топилмалар” АТ ички ишлар органларининг “Буюм” ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин;

в) “Топилмалар” АТга йўқолган ва топиб олинган ашёлар, уларни топиб олган ва қидираётган шахслар ҳақидаги маълумотларни мунтазам равища киритиб борсин.

4. Белгилансинки, “Топилмалар” АТни ишлаб чиқиши, ишга тушириш ҳамда топилмалар ва йўқолган ашёларнинг электрон реестрини шакллантириш, шунингдек, уларни кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2022 йил 1 марта қадар жисмоний шахсларга уларнинг йўқолган ёки ўғирлатилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари ўрнига янги шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган ҳолларда “Топилмалар” АТга бу ҳақида маълумот киритиб борилишини йўлга қўйисин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов ва ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “18” январ даги 28-сон қарорига
1-илова

**Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари томонидан
қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли
давлат ташкилотларига топшириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат хизматлари марказига (кейинги ўринларда – Марказ) жисмоний ва юридик шахсларга тегишли йўқолган ва топиб олинган ашёларни топшириш, сақлаш, эгаларига қайтариш ёки уларни тегишли давлат ташкилотларига топшириш, шунингдек, Топилмалар ва йўқолган ашёларнинг электрон реестрини (кейинги ўринларда – реестр) юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом қоидалари жиноят ва маъмурий ҳукуқбузарлик оқибатида йўқолган ашёларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Марказга хусусияти бузиладиган, биологик таркибга эга бўлган, тури, шакли, микдори ўзгарадиган ашёлар, истеъмол қилинадиган маҳсулотлар, автомототранспорт воситалари, дори воситалари, қаттиқ таъсир қилувчи заҳарли моддалар, психотроп ва гиёҳвандлик воситалари, уларнинг прекурсорлари, портловчи ва пиротехник моддалар, қуроллар ва уларнинг ўқ-дорилари, шунингдек, ҳайвонлар қабул қилинмайди.

Марказга мазкур банднинг биринчи хатбохисида кўрсатилган хусусиятларга эга бўлмаган топилмалар қабул қилинади.

3. Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли йўқолган ва топиб олинган ашёларни қабул қилиш, сақлаш, эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш Марказ ходимлари томонидан амалга оширилади.

4. Топилмаларни қабул қилиш, сақлаш, эгаларига қайтариш, шунингдек, эгаси аниқланмаган ашёларни тегишли давлат ташкилотларига топшириш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Давлат хизматлари марказлари томонидан топилмаларни
қабул қилиб олиш, сақлаш, эгаларига қайтариш ва эгаси аниқланмаган
ашёларни тегишли давлат ташкилотларига топшириш тартиби**

5. Топилмани топиб олган шахслар уларни топшириш юзасидан Марказга мурожаат қилишлари мумкин.

Бинолар ва уларнинг ҳудудларида, жамоат транспортида топиб олинган топилмалар уларни топиб олган шахслар томонидан ушбу бинолар ёки жамоат транспорти мулқдорлари бўлган юридик ёки жисмоний шахсларга топширилади ҳамда, қоида тариқасида, ушбу шахслар томонидан Марказга топширилади.

6. Марказ ходими жисмоний ва юридик шахслар (уларнинг вакиллари) томонидан топилган ашёларни Марказга қабул қилишда ушбу шахсларнинг номидан мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Бунда Марказ ходими томонидан қабул қилинган ашё ҳақидаги маълумотлар бир вақтнинг ўзида ҳамма фойдаланиши учун очиқ бўлган реестрга киритилади.

7. Марказ ходими томонидан реестрга киритилган маълумотлар асосида қабул қилинган топилма ҳақида “Топилмалар” автоматлаштирилган қидирув тизимига автоматик равишда эълон жойлаштирилади.

8. Марказга қабул қилинган ашёлар Марказнинг маҳсус жиҳозланган хонасиға (жойига) сақлаш учун жойлаштирилади.

9. Ўзининг ёки яқин қариндошларининг (эри ёки хотини, фарзандлари, неваралари, aka-ука ва опа-сингиллари) йўқолган ашёларини топиш бўйича жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг вакиллари Марказга шахсан келиб ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қиласи.

Бунда, жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг вакиллари йўқолган ашёларни топиш бўйича ўзи шахсан келиб мурожаат этганда – Марказ ходими мурожаат этувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда – мурожаат этувчи мустақил равишда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича сўровнома тўлдиради.

10. Сўровномага йўқотиб қўйилган ашёнинг алоҳида белгиларини акс эттирувчи фотосуратлар, электрон маълумотлар, агар ашё хужжат бўлса, унинг нусхалари илова қилиниши мумкин.

11. Топиб олинган ашёлар Марказда олти ой давомида сақланади.

Марказдаги ашёлар сақланадиган хоналар (жойлар) темир эшикларга эга бўлиши, белгиланган талабларга мувофиқ ёнғин хавфсизлиги нормаларига жавоб бериши, хавфсизлик талабларига жавоб берадиган жиҳозлар, темир сейфлар ҳамда сигнализация ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

12. Марказ ходими томонидан ҳар олти ойда Марказда сақланадиган ашёлар хатлови ўтказилади. Бунда ашёлар тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар органларининг “Буюм” ахборот тизимидағи маълумотлар билан ҳам солиширилади.

13. Агар топилма Марказга қабул қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида уни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 193-моддасига мувофиқ:

Марказ томонидан ашёни топиб олган шахсга унинг ашёга нисбатан мулк хуқуқи вужудга келганлиги тўғрисида хабар берилади;

ашёни топиб олган шахс уни қабул қилиб олишни рад этган тақдирда, ашё давлат мулкига ўтади.

14. Давлат мулкига ўтган моддий қимматликка эга бўлган ашё Агентликнинг тегишли худудий бошқармаси томонидан уч иш қуни ичидаги белгиланган тартибда “E-auksion” савдо майдончасида электрон аукционга қўйилади.

Ашёни аукцион орқали реализация қилишдан тушган маблағларнинг 20 фоизи аукционга қўйиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) бюджетдан ташқари жамғармасининг ҳисобварағига, қолган қисми эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

15. Хатлов натижалари бўйича эгаси аниқланмаган ёки янги эгалари томонидан олиб кетилмаган ҳужжатлар, улар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга келтирилганидан сўнг, тегишилиги бўйича вилоят ва туман (шаҳар) давлат архивларига ёки идоравий архивларга топширилади, бундан мазкур Низомнинг 18-банди биринчи хатбошисида келтирилган ҳужжатлар мустасно.

Ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасига кўра сақлаш муддати тугаган ҳужжатлар белгиланган тартибда йўқ қилишга ажратилади.

16. Марказ ходими ҳар бир йўқолган ашё бўйича мурожаатлар ва топилмалар бўйича маълумотларни реестр орқали ўзаро солишишиб, эгалари аниқланган топилмаларни уларга топшириш юзасидан манфаатдор шахсларни хабардор қиласида.

17. Марказ томонидан жисмоний ёки юридик шахсларга тегишили топилмани уларга топшириш топилманинг ҳақиқатдан ҳам ушбу шахсларга тегишили эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (маълумотларни), шу жумладан ашёнинг алоҳида белгиларини акс этирувчи фотосуратларни (агар ашё ҳужжат бўлса, унинг нусхаларини) ҳамда манфаатдор шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахсларнинг вакили учун – унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш асосида амалга оширилади.

Эгаларига топширилган ашёлар ҳақидағи маълумотлар айни шу вақтнинг ўзида реестрга киритилади.

18. Марказга келиб тушган шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, гувоҳномалар ва турли хил расмий ҳужжатлар бир ой муддат ичидаги эгалари томонидан талаб қилинмаган тақдирда, Марказ ходими томонидан тегишлилиги бўйича ушбу ҳужжатни берган ташкилотга юборилади.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, гувоҳномалар ва турли хил расмий ҳужжатлар, агар улар бекор қилинмаган бўлса, эгаларига қайтарилади.

Фуқаролар йўқолган ҳужжат ўрнига янги ҳужжат олган тақдирда, йўқолган ҳужжат бекор қилинган деб ҳисобланади ва Марказ ходими томонидан тегишлилиги бўйича ушбу ҳужжатни берган ташкилотга юборилади.

19. Марказ ходими топилмани беришни сўраб мурожаат қилган шахсга куйидаги асослар мавжуд бўлганда топилмани топширишни рад этади:

мурожаат қилган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилмаганлиги;

топилманинг жисмоний ёки юридик шахсга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, фотосуратлар ёки маълумотлар кўрсатилмаганлиги;

кимга тегишли эканлигини аниқлаш имкони бўлмаган ҳужжатнинг нусхалари ёки унинг алоҳида белгиларини акс эттирувчи фотосуратлар мавжуд эмаслиги;

йўқолган шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ўрнига янги шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар берилганлиги;

ашёга эгалик қилиш ҳақидаги далилларга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ манфаатдор шахслар томонидан бир вақтнинг ўзида ашёни сўраб мурожаат килинганлиги.

Ушбу банднинг учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда Марказ ходими томонидан ушбу шахсларга уларнинг ашёга бўлган эгалик масаласини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда судга мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Марказ ходими топилмани беришни сўраб мурожаат қилган шахсга топилмани бериш рад этилишининг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича хабарнома расмийлаштиради.

20. Манфаатдор шахслар йўқолган ашёнинг топилмаганлиги ҳақида маълумотнома сўраб ашё йўқолганлиги ҳақида эълон берилган санадан бошлаб икки ой ўтгандан сўнг (агар ҳужжат йўқолган бўлса, исталган вақтда) экстерриториал тамойил асосида исталган ҳудуддаги Марказга шахсан ўзи келган ҳолда ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилиши мумкин.

Бунда, жисмоний ёки юридик шахслар йўқолган ашёнинг топилмаганлиги ҳақида маълумотнома сўраб мурожаат этганда қайтадан алоҳида сўровнома тўлдириш талаб этилмайди.

21. Йўқолган ашёнинг топилмаганлиги ҳақидаги маълумотнома олиш бўйича мурожаат келиб тушгандан сўнг бир иш куни ичиди Марказ ходими томонидан ашёнинг топилмаганлиги тўғрисида мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича QR-код (матрик штрих-код) кўйилган маълумотнома расмийлаштирилади ҳамда тегишлича манфаатдор шахсга бевосита берилади ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

22. Йўқолган ашёнинг топилмаганлиги ҳақида маълумотнома берилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Мурожаат этувчи ЯИДХП орқали мурожаат этганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Ариза “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар томонидан берилганда, тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдорида ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун тўлов ундирилганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

23. Мурожаат этувчи Марказга ўзи келиб мурожаат этганда ундирилган тўлов Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасининг ҳисобварафига ўtkaziladi.

ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

11,75 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварафига (шу жумладан, 0,5 фоизи – йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар – Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварафига ўtkaziladi.

3-боб. Топилмалар ва йўқолган ашёларнинг электрон реестрини юритиш тартиби

24. Реестр ЯИДХП билан интеграция қилинган ҳолда юритилади.

Реестр фойдаланиш учун очик ахборот ресурси ҳисобланади.

25. Реестрда қуидаги маълумотлар қайд этилади:

а) Марказга топширилган топилмалар бўйича:

ашёнинг номи ва тавсифи (моддий қимматликларнинг шакли, вазни, алоҳида белгилари, ашё хужжат бўлганда, у тегишли бўлган шахснинг Ф.И.О., мазмуни, хос рақамлари);

ашё ишлаб чиқарилган ёки берилган вақт (мавжуд бўлса);

ашёни Марказга топширган шахснинг Ф.И.О., юридик шахс номи ва СТИР, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлса);
ашё топилган манзил, ҳудуд, жой номи;
ашё сақланаётган Марказ номи ва у сақлашга қабул қилинган вақт;
ашёнинг реестрдаги серия ва рақами;
ашёнинг фотосурати;
ашёга тегишли ҳужжатлар (мавжуд бўлса);
ашё тегишли шахсга қайтарилиганини ҳақида маълумот;
ашё тегишли давлат ташкилотларига топширилиганини ҳақида маълумот;
ашё аукционга қўйилганинини ва аукцион натижаси тўғрисида маълумот;
б) йўқолганинини тўғрисида мурожаат қилинган ашёлар бўйича:
ашёнинг номи ва тавсифи (хужжатлар бўлганда унинг мазмуни, уникал рақамлари, моддий қимматликларнинг шакли, вазни, алоҳида белгилари);
ашё ишлаб чиқарилган ёки берилган вақт (мавжуд бўлса);
ашё мулкдорининг Ф.И.О., юридик шахснинг номи ва СТИР, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлса);
ашё йўқотилган (тахминий) ҳудуд ва вақт;
ашёнинг реестрдаги серия ва рақами;
ашёнинг фотосурати ёки унга тегишли ҳужжатлар (мавжуд бўлса);
топилган ашёнинг эгасига қайтарилиганини тўғрисидаги маълумотлар.

26. Реестр электрон шаклда юритилади.

Реестрга киритиладиган маълумотлар Агентлик томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали ички ишлар органларига тақдим этиб борилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

27. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа давлат ташкилотлари йўқолган ашёларни қабул қилганда, бу ҳақида уч иш куни ичида исталган ҳудуддаги Марказни ахборот коммуникация тизимлари орқали хабардор қилишлари зарур.

28. Топилмага эгалик қилиш хуқуқига даъвогар жисмоний ва юридик шахслар Марказнинг топилмани қабул қилиб олиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш, шунингдек, эгалари аниқланмаган ашёларни тегишли давлат ташкилотларига топшириш билан боғлиқ ҳаракатлари устидан белгиланган тартибда судга мурожаат этишлари мумкин.

29. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари томонидан қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари томонидан қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки уларни тегишли давлат ташкилотларига топшириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I. Топилган ашёларни давлат хизматлари марказига топшириш			
1-босқич	Топиб олган шахс	Ашёни топшириш юзасидан давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш.	Ашёни топиб олгандан сўнг
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Марказга ашёни топширган шахс номидан сўровнома тўлдириш. 2. Ашё ҳақидаги маълумотларни Топилмалар ва йўқолган ашёларнинг электрон реестрига киритиш. 3. Ашёни Марказнинг маҳсус жиҳозланган хонасига (жойига) сақлаш учун жойлаштириш.	Мурожаат қилинган вақтда
3-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, гувоҳномалар ва турли расмий ҳужжатларни сақлаш. 2. Бошқа қабул қилинган ашёларни сақлаш.	1. 1 ой мобайнида 2. 6 ой мобайнида
П. Давлат хизматлари марказида сақланадиган ашёларни тегишли давлат ташкилотларига, топилмани топган шахсларга топшириш ёки аукционга қўйиш			
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	Эгалари томонидан талаб қилинмаган шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, гувоҳномалар ва бошқа расмий ҳужжатларни уларни берган ташкилотга юбориши.	1 ойдан сўнг
5-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Марказда сақланадиган ашёларни хатловдан ўтказиш. 2. Маълумотларни ички ишлар органларининг “Буюм” ахборот тизими билан солишириш. 3. Хатлов натижаларига кўра моддий қимматликка эга буюмга нисбатан мулк ҳуқуқи уни топиб олган шахсга ўтганлигини ушбу шахсга маълум қилиш.	1. Ҳар 6 ойда 2. Доимий равища 3. Ашё марказга топширилгач 6 ойдан сўнг
6-босқич	Топилмани топиб олган шахс	1. Эгаси аниқланмаган топилмани мулк ҳуқуқи билан қабул қилиш. 2. Топилмани қабул қилишини рад этиш.	Хатловдан сўнг
7-босқич	Давлат хизматлари агентлигининг тегишли худудий бошқармаси	Топиб олган шахс томонидан қабул қилиш рад этилган ашёларни “E-auksion” савдо майдончасида аукционга қўйиш.	Ашёни топиб олган шахс томонидан қабул қилиш рад этилгандан сўнг 3 иш куни ичida

III. Давлат хизматлари марказидан топилмани олиш

8-босқич	Топилмани йўқотган шахс	Топилманинг ушбу шахсларга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳамда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахс вакили учун унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган ҳолда Марказга мурожаат этиш.	Хоҳишига кўра
9-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Топилмани олиш учун мурожаат этган шахс тақдим этган маълумотлар асосида: а) топилмани ушбу шахсга бериш ва бу ҳақида реестрга ёзув киритиш; б) топилмани беришни рад этиш ва бу ҳақида мурожаат этувчига хабар бериш.	1 иш куни ичида

Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари
томонидан қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига
қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига
топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Топилмани давлат хизматлари марказига қабул қилиш учун
СЎРОВНОМА**

I. Жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотлар	
1.	Ф.И.О.
2.	Яшаш манзили
3.	Шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлганда)
4.	Телефон рақами
5.	Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда)
II. Юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар	
6.	Юридик шахс номи
7.	СТИР
8.	Почта манзили
9.	Телефон рақами
10.	Юридик шахс вакили Ф.И.О.
III. Топилма тўғрисидаги маълумотлар	
11.	Топилма номи
12.	Топилган ашё ишлаб чиқарилган ёки берилган вақт (маълум бўлса)
13.	Топилманинг хусусиятлари (шакли, вазни ва б.)
14.	Топилманинг алоҳида белгилари (серия рақамлари, кодлари, ташки таъсирга учраганлиги ва б.)
15.	Топилма қабул қилинган вақт
16.	Топилма топилган манзил, ҳудуд, жой номи
17.	Топилма топширилган Марказ номи
18.	Топилмани қабул қилиб олган ходимнинг Ф.И.О.
19.	Топилмага берилган серия ва рақам
IV. Илова қилинадиган ҳужжатлар	
20.	Ашёнинг фотосурати
21.	Ашёга тегишли ҳужжатлар нусхалари (мавжуд бўлса)

Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари
томонидан қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига
қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига
топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Йўқолган ашёларни давлат хизматлари маркази
орқали излаш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотлар	
1.	Ф.И.О.
2.	Яшаш манзили
3.	Шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлганда)
4.	Телефон рақами
5.	Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда)
II. Юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар	
6.	Юридик шахс номи
7.	СТИР
8.	Почта манзили
9.	Телефон рақами
10.	Юридик шахс вакили Ф.И.О.
III. Йўқотилган ашё тўғрисидаги маълумотлар	
11.	Ашё номи
12.	Ашё ишлаб чиқарилган ёки берилган вақт (маълум бўлса)
13.	Ашёнинг хусусиятлари (шакли, вазни ва б.)
14.	Ашёнинг алоҳида белгилари (серия рақамлари, кодлари, ташқи таъсирга учраганлиги ва б.)
15.	Ашё йўқолган (тажминий) худуд
16.	Ашё йўқолган (тажминий) вақт
17.	Сўровнома тўлдирилган вақт
IV. Илова қилинадиган ҳужжатлар	
18.	Ашёнинг фотосурати ёки унга тегишли ҳужжатлар нусхалари (мавжуд бўлса)

Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари
томонидан қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига
қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига
топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Жисмоний ва юридик шахсларга топилмани беришни рад этиш ҳақида
ХАБАРНОМА

Электрон хужжатнинг идентификация рақами

Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби тасвири



(туман (шаҳар) давлат хизмати маркази номи)

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20 ___ йил “___” _____ даги
(йил, кун, ой)
—сон сўровномангизни кўриб чикиб, _____
рад этилганлигини маълум қиласди.

Рад этиш асослари:

- 1.
- 2.

(масъул шахснинг лавозими)

(Ф.И.О)



QR-код

Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари
томонидан қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига
қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига
топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Йўқолган ашёнинг топилмаганлиги тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

Электрон хужжатнинг идентификация раками

Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби тасвири




(туман (шаҳар) давлат хизмати маркази номи)

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Сизнинг 20__ йил
“___” _____ даги ____-сон сўровномангизни кўриб чиқиб, ушбу ашё¹
Топилмалар ва йўқолган ашёларнинг электрон реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида маълум
қиласди.

(масъул шахснинг лавозими)

(Ф.И.О.)



QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “18” январдаги 23-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 11-сон, 108-модда):

83-банддаги “топилмалар идорасига” сўzlари “белгиланган тартибда давлат хизматлари марказига” сўzlари билан алмаштирилсин;

84-банддан “ёки топилмалар идораси ходими” сўzlари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2013 йил 12 декабрдаги ПК-2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2014 йил 10 марта 57-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2014 й., 3-сон, 25-модда):

а) 1-илованинг 35-банди учинчи хатбошисидаги “топилмалар столи”дан” сўzlари “давлат хизматлари марказидан” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 26-банди учинчи хатбошисидаги “топилмалар столи”дан” сўzlари “давлат хизматлари марказидан” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 13-банди учинчи хатбошисидаги “топилмалар столи”дан” сўzlари “давлат хизматлари марказидан” сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2014 й., 10-сон, 104-модда):

а) 1-илованинг 49-банди икkinchi хатбошисидаги “топилмалар столи”дан” сўzlари “давлат хизматлари марказидан ҳужжат топилмаганлиги ҳақида” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 91-банди икkinchi хатбошисидаги “топилмалар столи”дан” сўzlари “давлат хизматлари марказидан ҳужжат топилмаганлиги ҳақида” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 4-илованинг 96-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Дубликат бериш тўғрисидаги аризага давлат хизматлари марказидан ҳужжат топилмаганлиги ҳақида маълумотнома илова қилинади”;

г) 5-илованинг 50-банди иккинчи хатбошисидаги “топилмалар столи”дан сўзлари “давлат хизматлари марказидан ҳужжат топилмаганлиги ҳақида” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 409-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-банди учинчи хатбошисидаги “топилмалар столи”дан сўзлари “давлат хизматлари марказидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарори билан тасдиқланган Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга кириш ва уни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 51-бандидаги “топилмалар бюросидан” сўзлари “давлат хизматлари марказидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

